



4.7.«Етказиб берувчи» етказиб берган маҳсулотларини ҳисоб-варақларда тўлиқ ва аниқ номини, маҳсулот навини, категориясини ва бошқа кўрсаткичларини кўрсатиши, шунингдек, ҳисоб-варақларни белгиланган тарда рақамлаб, тўлиқ расмийлаштириши шарт. Тўлиқ расмийлаштирилмаган ҳамда маҳсулотнинг сифати, нави ва категориялари кўрсатилмаган ҳисоб-варақлар бўйича тўлов амалга оширилмайди.

### 5. ТОМОНЛАРНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

5.1. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар коррупцияга қарши кураш бўйича қоидаларга, шу жумладан амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлайди; яъни томонлар бир-бирига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки беришда воситачилик қилиш, моддий ёки номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилишини кафолатлайди.

5.2. Томонлар коррупцияга қарши қоидалар бузилганда ёки асосли гумонлар юзага келганда дарҳол ёзма равишда (электрон почта орқали) ёки ишонч телефони орқали бир-бирини хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бунда томонлар юзага келган ҳолатга оидинлик киритиш мақсадида ёзма изоҳ талаб қилиш ҳуқуқига эга ва мурожаатни олган томон 10 (ўн) иш куни мобайнида тушунтириш бериш ёки ўз фикрини билдириши мумкин.

5.3. Мазкур бобнинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан белгиланган муддатда коррупцион хавф-хатар бартараф этилмаса, томонлар амалга оширган чоралар коррупцион ҳолатни пасайишига олиб келмаса, бошқа томон шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга ёки унинг ижросини тўхтатиб қўйиши мумкин.

### 6. ФОРС – МАЖОР ҲОЛАТЛАР.

6.1. Шартнома тузилгандан сўнг табиий офатлар (ер қимирлаши, сув тошқини, ёнғин, эпидемия), уруш, ҳукуматнинг норматив - ҳуқуқий ҳужжати, томонларнинг хоҳишидан қайтий назар бажара олмайдиган ҳолатлар вужудга келган тақдирда шартноманинг вазибалари бажарилмаса икки тараф ҳам жавобгар бўлмайди. Агар ушбу ҳолат 3 ой давомида бартараф этилмаса ва тугаши аниқланмаса тарафлардан бирининг тушаббуси билан 10 кун олдин ёзма хабар юбориш йўли билан шартномани бекор қилишлари мумкин.

### 7. ШАРТНОМА МУДДАТИ.

7.1. Шартнома «Фуқаролик кодекси»нинг 366-моддасида кўрсатилган талаблар бажарилганда ва иккала томонлар имзолангандан сўнг кучга киради.

7.2. Шартноманинг амал қилиш муддати 2022 йил « 31 » декабргача.

7.3. Шартнома томонлар келишувига асосан, «Етказиб берувчи» томонидан етказиб берилган маҳсулот «Сотиб олувчи» томонидан сифатсиз деб топилганда ва «Етказиб берувчи» томонидан мазкур шартноманинг 4.1, 4.2, 4.3. бандлари бажарилмаганда шартнома «Сотиб олувчи» томонидан бир томонлама бекор қилиниши мумкин. Бекор қилинган тўғрисида «Сотиб олувчи» «Етказиб берувчи»га ёзма равишда, асосларни келтирган ҳолда хат билан маълум қилади.

### 8. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР.

8.1. Шартнома юзасидан келиб чиққан низолар ўзаро хал қилинади. Агар ўзаро хал қилинмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси қонунларига асосан Хўжалик судлари орқали хал қилинади.

8.2. Шартнома икки нусхада тузилиб, хар бир нусхаси тенг юридик кучга эга бўлиб томонларда бир нусхадан сақланади.

8.3. Шартномага барча ўзгартиришлар иккала томонлама келишилган ва шартномага қўшимча битим имзоланиб ҳуқуқшунос томонидан тасдиқлангандан сўнг қонуний деб ҳисобланади.


### 9. ТОМОНЛАР ҲУҚУҚИЙ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ.

#### «ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ»

#### «СОТИБ ОЛУВЧИ»

«Мажорат Воярий Олларкув» ШЧК  
Tel: 90 561-56 11  
y/p 20205000905533217001  
ЮШТБ «Мажорат Воярий Олларкув» филиали  
Мажорат Воярий Олларкув 309603 188  
Мажорат Воярий Олларкув  
б. Мажорат Воярий Олларкув 14/74

Мажорат Воярий Олларкув ШЧК  
Коллегиал Мажорат Воярий Олларкув тегишли  
ишх 4008102603041270919 02054002  
y/p 23402000300100001010 Мажорат Воярий Олларкув  
Филиал Мажорат Воярий Олларкув 309603 188  
Мажорат Воярий Олларкув 309603 188  
Мажорат Воярий Олларкув 20112919 орқали 92120  
Мажорат Воярий Олларкув 20112919  
Мажорат Воярий Олларкув 20112919



режиссёр: Мажорат Воярий Олларкув  
директор: Мажорат Воярий Олларкув